
МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ МАРҒИЛОН ШАҲРИДА БЎЛДИ

Бугун Мактабгача ва мактаб таълими вазири Ҳилола Умарова Марғилон шаҳридаги 10-умумий ўрта таълим мактабида ўтказилиб келинаётган Ўқув-семинарда иштирок этиб, педагоглар билан таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар борасида очиқ мулоқот ўтказди.

Мулоқот давомида Ҳ.Умарова таълим тизимини янада юксалтириш мақсадида ташкил этилган семинарнинг мазмун-моҳиятига тўхталиб, эртаминг эгалари бўлган ёшларнинг таълим-тарбияси, таълим масканларида ўқитиш сифати ҳамда самарадорлик масалаларида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек у ўз сўзи давомида Давлатимиз раҳбарининг Мактабгача ва мактаб таълим тизимида бераётган эътиборлари хусусида алоҳида тўхталиб, барча педагоглар қатори марғилонлик устозлар ҳам ушбу юксак ишонччи оқлаш йўлида жонбозлик кўрсатишлари зарур эканлигини таъкидлади.

Очиқ мулоқот давомида устозларнинг фикр-мулоҳаза ва таклифлари ҳам тингланди.

2024-08-01 18:49:24